# БИЗ БИЛМАГАН ТАРИХ

*Тарих Ватан каби ягона. Шунинг учун ҳам аждодларимиз яшаган даврни она тарихимиз дея атаймиз. Тарихни ўзгартиришга, истаганча талқин қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Афсуски, бизга бир неча ўн йиллар давомида аждодларимиз тақдири битилган тарихни бузиб ўргатишди, қўлимизга ёлғонларга тўлиб кетган китобни "чин тарих" деб тутқазишди.*

*Шукурки, истиқлол туфайли нафақат эркимиз, тилимиз, динимизга, балки ўз она тарихимизга ҳам эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Энди сохта гап ва ёлғон чўпчаклардан безган халқимиз аждодлар тақдири битилган чин тарих китобини ўқиш имкониятига эгадирлар. Президентимиз халқ иродасини ифода этиб, олимларимиз олдига ана шундай ҳақиқий тарих китобини яратишни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйдилар.*

*Қуйида сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошида ташкил қилинган "Ўзбекистоннинг янги тарихи" марказининг ўқув-услубиёт бўлими бошлиғи Тўлқин Тоғаев билан янги тарих китобининг яратилиши ҳақидаги суҳбатимизни ўқийсиз.*

**-- "Ўзбекистоннинг янги тарихи" маркази иш бошлаганига ҳам бир йилдан ошди. Марказнинг фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.**

-- Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги қарорига биноан "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги "Ўзбекистоннинг янги тарихи" маркази зиммасига мустақил Ўзбекистон Республикаси тарихини холис ёритувчи уч жилддан иборат "Ўзбекистоннинг янги тарихи" китобларини яратиш биринчи даражали вазифа сифатида топширилган эди.

"Ўзбекистоннинг янги тарихи"нинг биринчи китоби "Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида" деб номланган. Ушбу китоб ўша даврдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни, истиқлол учун кураш босқичларини атрофлича ҳамда юксак илмий савияда ёритишга бағишланади. Ва чоризм истилоси, унинг Туркистон халқлари учун келтирган оқибатлари асл манбалар, ҳужжатлар ва адабиётлар асосида чуқур таҳлил қилинади.

Мустамлакачиларнинг ўлкадаги миллий давлатчиликни тугатиш, асрий маданий-маънавий қадриятлари ва миллий урф-одатлари, инсоний ҳуқуқларини поймол этишга қаратилган сиёсати фош этилади.

"Ўзбекистон Шўро мустамлакачилиги даврида" деб номланган ва хронологик жиҳатдан беш даврни ўз ичига олган иккинчи китобда тарихий манбалар ва энг яхши тадқиқотлар якунлари таҳлили асосида Ўзбекистон тарихи холисона ёритилади. Октябрь тўнтаришидан сўнг большевикларнинг Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатини ва ўлка халқларининг истиқлол учун курашини бўғиб ташлашга қаратилган сиёсати атрофлича баён этилади.

## *Маънавиятимиз хазинасидан*

Туркистонда большевикларнинг мустабид Шўро тузуми ўрнатилгандан сўнг яратган сохта давлатчилик фаолияти рўй-рост кўрсатилади. Коммунистик мафкура ва унинг маъмурий буйруқбозлик тизими Ўзбекистонга нима бергани ва ўлкани қай тариқа хом ашё маконига айлантиргани асослаб берилади. Коммунистларнинг ўлка халқларининг ўзлигини ва миллий онгини заҳарлашга қаратилган сиёсати, мулкдорлар синфи ва хусусий мулкка эгалик туйғусини йўқотишга доир фаолияти, Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий қатағонлари ҳамда уларнинг оқибатлари кенг миқёсда ёритилади.

Марксизм-ленинизм таълимоти ва коммунистик мафкура тамойиллари асосида Ўзбекистонда барпо этилган социалистик жамиятга тарихий, фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатдан холис баҳо берилади. Шўро тузуми даврида яшаган ва фаолият кўрсатган Ўзбекистоннинг давлат, жамоат арбоблари, фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндаларининг сиёсий портретлари, тарихий хизматлари ва фожеалари кўрсатилади.

Марказнинг Ўзбекистонни умумбашарий тараққиётдан, умуминсоний қадриятлар ва тамойиллардан четлатиб, ўлка табиий, маданий ва тарихий бойликларини беаёв талаши, пахта яккаҳокимлигини кучайтириб, мамлакат экологиясини мудҳиш ҳолатга тушириб қўйган сиёсатнинг оқибатлари чуқур таҳлил қилинади. Шўролар иттифоқининг таназзули мантиқан ва тарихан қонуний ҳол эканлиги ҳамда коммунистик таълимотнинг Ўзбекистон халқлари учун буткул ёт, бегоналиги ва тарихан беасослиги кўрсатиб берилади.

"Мустақил Ўзбекистон тарихи" деб номланган учинчи китобда эса Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан истиқлол йўлида босиб ўтган тарихий давр бутун мураккаблиги билан ўз ифодасини топади.

Мустақил Ўзбекистон ҳаётида содир бўлган ва бўлаётган буюк ўзгаришлар ва уларнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатишга бағишланадиган бу китобда Ўзбекистон мустақиллиги мутлақ тасодифий, ўз-ўзидан вужудга келмагани ва аксинча, мураккаб, таҳликали шароитда тарихан қонуний тарзда дунёга келганига эътибор қаратилиб, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий заминлари чуқур ёритиб берилади.

Давлат мустақиллигининг мураккаб йўли, адолатли демократик фуқаролик жамияти қурилиши ҳуқуқий асосларининг вужудга келиши, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётининг барпо этиш жараёнлари ва мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун қўйган собитқадамлари ўз ифодасини топади. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши, истиқлол йўли тадқиқотларининг ишлаб чиқилиши, маънавий-руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши, буюк аждодлар, алломалар ва тарихий шахсларга янгича муносабатларнинг қарор топиш жараёнларига тарихан холис баҳо берилади.

Мафкуравий маҳдудлик, мутелик руҳиятидан покланган, миллий тикланиш, юксак маънавият ғоялари, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умумиқтисодий қадриятларга ва Ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган Мустақиллик даврининг янги ва чинакам тарихи ёрқин акс эттирилади.

**-- Тўлқинжон, сизнинг суҳбатингиздан маълум бўлишича, Россия мустамлакачилик сиёсати XIX асрнинг иккинчи ярмидан эмас, анча олисдан бошланар экан-да?..**

-- Россия империяси Марказий Осиёни ўз тасарруфига олиш учун илк қадамларини XIX асрнинг иккинчи ярмида эмас, балки Пётр I замонидаёқ қўйган эди. Тўғрироғи, бу орзу, жаҳонга ҳукмронлик қилиш орзуси "Грозний" номи билан оламга машҳур бўлган Иван IV даврида бошланган эди. XVI асрда пиндик отган дарахт XIX асрда мева берди: бойликлари билан оламга машҳур бўлган Ўрта Осиё Россиянинг мустамлакасига айланди. Шунинг учун ҳам бу истилонинг илдизларини анча олисдан излаб топишга, ўрганишга, таҳлил этишга тўғри келади.

**-- Яна бир савол. Марказ яратаётган китоб "Ўзбекистоннинг янги тарихи" деб аталади. Агарда гап янги давр тарихи ҳақида кетар экан, унда фақат мустақил Ўзбекистон тарихи эътиборга олиниши керак эмасмиди?**

-- Эсингизда бўлса, биз ўқиган тарих китоблари ўзига хос тарзда даврлаштирилган эди. Унда тарихни, асосан, Европа инқилобий ҳаракатларига боғлаш услуби устуворлик қиларди. Бизнинг марказ яратаётган тарих эса шу кунга олиб келган истиқлол учун курашиш тарихини ҳам яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бизни қоронғуликда, тутқинликда сақлаган, эркимиздан, динимиздан, тилимиздан, миллий қадриятларимиздан, қадимий урф-одатларимиздан маҳрум этган замон қачон бошланганини бугунги ўқувчига рўй-рост кўрсатиш учун ҳам бу китобни ана ўша олис замонлардан бошлашга тўғри келди.

**-- Маълумки, ҳар бир китобнинг ўзига яраша йўналтирилган манзили бўлади. Яъни, у ё дарслик, ё қўлланма...**

-- Саволингизни тушундим. Бу масала марказ аъзолари ўртасида анча баҳсга сабаб бўлди. Тарихни ўрганишнинг икки усули мавжуд: биринчиси Ғарбий-Европа услуби, иккинчиси шарқона услуб. Бу китоб ана шу икки услубнинг қоришмасидан яратилди.

Эътиборли томони шундаки, бу китоб илгари совет даврида ёзилган илмий-оммабоп китобларга ўхшамайди. У илмийликка асосланган ҳолда жуда содда, лўнда, журналистларга хос жозибадор сўзлар билан моҳирона тилда ифодаланган. Шунинг учун китоб етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кенг халқ оммаси учун ҳам, алоҳида гуруҳлар учун ҳам бирдай тушунарлидир.

**-- Янги тарих бўлганидан кейин ўз-ўзидан материалларнинг янгилиги ва фикрларнинг хилма-хиллигига эътибор қаратилганлиги шубҳасиз...**

-- Албатта, биринчи навбатда 1991-1996 йилларда яратилган барча илмий манбалар илмий холислик ва танқидий нуқтаи назарда ўрганилиб, ижодий фойдаланилди. Иккинчидан, кўпроқ олдинлари унутилган маҳаллий муаллифларнинг асарларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинди. Учинчидан, шу кунга қадар архивларда сақланаётган жуда кўп қўлёзмалар истеъфодага киритилди.

Бу борада, айниқса, профессор Р.Шамсутдиновнинг Москва, Ленинграддан олиб келган архив материалларидан фойдаланилди, энг муҳими хориждан олиб келинган манбалар ҳамда бир неча йиллар мобайнида йиғилган маълумотларнинг китобга киритилганини таъкидламоқчиман.

Биринчи китобнинг яна бир муаллифи Поён Равшанов эса маҳаллий муаллифларнинг асарларини чуқур ўрганиб, улардаги муҳим фактларни истеъфодага киритди, китобнинг мазмун жиҳатидан бойишига ўз ҳиссасини қўшди. Бундан ташқари, Президентимиз фармойишида назарда тутилган фикрлар хилма-хиллиги ҳисобга олинди. Президентимизнинг 18 сентябрдаги фармойишида кўрсатилган яна бир муҳим нарса бу китоб айрим кимсаларнинг ёки айрим гуруҳларнинг нуқтаи назари акс этган китоб бўлиб қолмаслиги керак эди. Шунинг учун ҳам "мулоҳаза учун маълумот", "мавзуга доир очерк", "мушоҳада учун маълумот" каби лавҳалар кўп учрайди. Бундан мақсад ёритилган материалларга, тасвирланган воқеага, чиқарилган хулосага ўқувчиларнинг ўзи муносабат билдира олишига эришишдир.

Кўраяпсизки, бу ишга нафақат тарихчилар, балки журналистлар, турли фанлар бўйича тадқиқотлар олиб бораётган олимлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар, файласуфлар ҳам жалб қилинган. Бундан ташқари Республика таълим маркази, Олий педагогика институти, Фанлар академиясининг бир қатор институтлари ва бошқа марказлар билан доимий алоқада бўлиб туради. Бундан фақат битта мақсадни кўзлаганмиз. Асосий мақсад авлод олдидаги бутун масъулиятни ҳис қилган ҳолда она тарихимизни тўғри ва холис ёритишдан иборат. Чунки, бу китоб мустақил Ўзбекистоннинг биринчи китоби бўлади.

**Суҳбатдош: Темир ҚУРБОН**

## *"Туркистон"га жавоб берадилар*

# "НОШУДЛИК"...

***"Туркистон"нинг 1997 йил 26 ноябрь сонида чоп этилган "Ношудлик, ёхуд бажарилмаётган қарорлар" сарлавҳали мақолага Самарқанд вилояти ҳокимлигидан қуйидаги мазмунда жавоб олдик:***

"Танқидий мақола Гўзалкент туман ҳокимлигида атрофлича муҳокама этилди.

Мақолада кўтарилган муаммолар ҳақиқатан ҳам ўринли эканлигини эътиборга олиб, бугунги кунда "Камолот" жамғармаси туман бўлимига алоҳида хоналар ажратилди ва жамғарма бўлимига ёш, тадбиркор, янгиликка интилувчан ёшлар ишга жалб этилди.

Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, жамғарманинг моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида тумандаги "Қурилиш" жамоа хўжалигидан 50 гектар суғориладиган ер майдони ажратиб берилди.

Жамғарма туман бўлими таъсисчиларидан маблағ тушириш масаласи ҳам қаттиқ назоратга олинди ва улар хўжаликларга 1997 йил пахта ҳосили учун келадиган пул маблағидан ўтказиб берилади.

"Камолот" жамғармаси вилоят бўлими ҳам туманда ёшларни иш билан банд қилиш мақсадида "Инновацион лойиҳалар" дастури асосида кичик цех ташкил этиш бўйича амалий ишларни бошлаб юборди...

**Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.ҲАСАНОВ"**

***Ушбу сарлавҳали танқидий хабаримизга Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси йўллаган жавоб билан танишинг:***

"Йўлимизни ким созлайди" сарлавҳали мақолангиз ободонлаштириш Бош бошқармаси томонидан кўриб чиқилди.

Юқоридаги мақолага асосланиб, шуни маълум қиламизки, 2-ТашГосМИ ва ИБН-Сино массиви оралиғидаги

### "ЙЎЛИМИЗНИ КИМ СОЗЛАЙДИ?"
**("Туркистон" 1998 йил 5 январь)**

кўчанинг қурилиши 1998 йилнинг капитал қурилиш рўйхатига киритилган.

Бошқарувчи ўринбосари Р.А.Арамян".

**Жавобни қайта-қайта ўқиб, газетхонни таҳририятта мурожаат этишга мажбур қилган, яъни фуқароларнинг қийналишларига кимлар айбдору, кўча қачон тартибга келтирилиши ҳақидаги саволларга жавоб топа олмадик.**

**Хатда йўлни таъмирлаш қурилиш рўйхатига киритилгани айтилса-да, у қачон битказилиши ёзилмаган. Бундай жавоб йўллашдан мақсад нима эканлигини тушунмадик.**

# ИҚТИДОРЛИЛАР — ЮРТ БАХТИ





## БЎЛАЖАК МУАЛЛИМЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти қошида икки йилдан бери махсус лицей фаолият кўрсатиб келади. Бу ерда ўқувчиларга тажрибали педагоглар, ўз соҳасининг билимдон мутахассислари, олимлар таълим берадилар. Мазкур ўқув юртининг директори Равил ИСЯМОВ бу ҳақда шундай дейди:**

**-- Мустақиллигимиз шарофати билан очилган лицейимиз асосан институтимизга бўлажак талабаларни тайёрлаб беради. Ўтган йили бу соҳада юқори натижаларга эришдик. Ўқувчиларимизнинг 87 фоизи олий ўқув юртларига кириб ўқиш бахтига мушарраф бўлдилар. Педагогик жамоамиз 90 кишидан иборат. Уларнинг 43 нафари профессор, доцентлардир. Машғулотлар махсус қурилмалар билан жиҳозланган синфхоналарда олиб борилади. Ўқувчилар ўзлари қизиққан соҳалар бўйича дарслардан кейин ҳам қўшимча машғулотлар ўтказиш имкониятига эгалар. Биз педагогика институтимиздан ташқари тўқимачилик, юридик, алоқа институтларига ва бошқа олий ўқув юртларига ҳам бўлажак талабаларни тайёрлаб берамиз. Машғулотларимиз олий ўқув юрти дастурлари асосида олиб борилади.**

**Суратларда: машғулотлар пайти.**

**Сураткаш А.ГЕРАСИМОВ**

# ЎЗГА ЭЛЛАРДА НИМА ГАП?

**Т О К И О.** Япониянинг «Эн-И-Си» электрон корпорацияси ғайриоддий «ултракомпьютер» яратиш устида иш олиб бораётганини маълум қилди. Маълумотларга қараганда, 2001 йилда яратилиши кўзда тутилаётган ушбу компьтер секундига 32 триллион операцияни амалга оширади. Яъни, у айни пайтдаги шахсий компьютерларга қараганда миллион марта, «супер-компьютер»дан эса минг баробар тез ишлайди.

Компания мутахассисларининг фикрича, ушбу компьютер аниқ об-ҳаво маълумотларига эга бўлишда, иқлим ўзгаришлари ва ер силкиниши ҳолларини олдиндан пайқашда ҳам жуда қўл келади.

* * *

**С Е У Л.** Жанубий Корея пойтахтида ҳарбий вертолёт ҳалокати оқибатида икки нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлди. Маълумотларга қараганда, «Комманд» 500-мд русумли ҳарбий вертолёт ҳарбий-ўқув машқларини ўтаётган вақтида номаълум сабабларга кўра тўрт қаватли бино томига қулаб тушган.

Маълум бўлишича, бу бино шахсий кутубхона, бўлиб, ҳалокат вақтида унинг ичида ҳеч ким бўлмаган. Ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

* * *

**Т Ю М Е Н.** Тюмен экологлари Сибирнинг Ишим, Тобол, Иртиш ҳамда Об дарёлари суви ичиш учун яроқсиз эканлиги ҳақидаги хабарни тарқатди. Текширишлардан маълум бўлишича, мазкур дарёлардаги сув таркибида нефть маҳсулотлари миқдори нормадагига қараганда бир неча баробар юқори экан.

Мутахассисларнинг гапига қараганда, Тюмен минтақасида бу ўта долзарб муаммо ҳали-ҳануз ҳал қилинмай келади. Агар ҳукумат бу масалада шошилинч чоралар кўрмас экан, бу экологик бўҳрон тез орада ўзининг салбий оқибатларини кўрсатиши тайин.

# ДУНЁ КАФТИМИЗДА

«Энг кўп ихлос қўйган кишингиз ким?» деган саволга **БРАЗИЛИЯ**нинг Порту-алегри шаҳридаги ҳарбий ўқув юрти талабалари берган жавобдан мамлакат жамоатчилиги сал бўлмаса карахт бўлиб қолаёзди. Талабаларнинг 10 фоизга яқини ўзларининг «даҳоси» сифатида Адольф Гитлерни тан олган. Фашистлар сардоридан кейинги ўринларни Исо Масиҳ ва Жанна Д'Арк эгаллаган.

Бундан хабар топган Бразилия Президенти Энрики Кардозу қаттиқ ташвишга тушди. Бу хабар маориф вазирлигида ҳам катта баҳсларга сабаб бўлди. Тарих ўқитувчилари иккинчи жаҳон уруши сабоқларини талабалар онгига тўғри ва яхши қўя олмаганликда айбланмоқда.

* * *

**ГФР**нинг ҳарбий-денгиз авиациясига қарашли «Торнадо» русумли жанговар самолёти Шимолий денгизда дом-дараксиз йўқолди.

Самолётда икки нафар учувчи бўлган. ГФР Мудофаа вазирлиги вакилининг маълум қилишича, самолёт парвоз вақтида тўсатдан радар экранларидан йўқолган. Ҳарбийлар унинг денгизга қулаб тушганини гумон қилмоқда. Самолёт қулаб тушиши мумкин бўлган жойга бир неча кема ва самолёт жўнатилди.

* * *

**ГРУЗИЯ** ҳадемай мамлакат денгиз сарҳадларини ўз кучи билан қўриқлашни бошлайди, деб баёнот берди Грузия давлат чегараларини қўриқлаш департаменти раиси, генерал-майор В.Чхеидзе.

Маълумки, бунинг учун Грузия июль ойигача ҳарбий сув-транспорт воситалари ва яхши тайёрланган шахсий таркибга эга бўлиши керак. В.Чхеидзенинг таъкидлашича, Грузия ўз чегара қўшинларини тузишда донор мамлакатлар кўмагига умид боғламоқда.

* * *

**ИОРДАН** дарёсининг ғарбий қирғоғида кузатувчилар таркибида фаолият кўрсатаётган америкалик фуқароларга яҳудий жангарилари таҳдид қилишди. Улар АҚШ фуқароларини араб террорчиларига кўмак берганликда айблаётир. Маълум бўлишича, кузатувчиларга таҳдид қилганлар Исроилнинг ўта миллатчи ҳисобланган «Ках» ташкилоти аъзолари экан. «Ках» аъзолари 1994 йили «Ал-Иброҳим» масжидида қонли жиноят содир этгани учун ушбу ташкилотнинг фаолияти таъқиқлаб қўйилган эди.

# ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

**Г Е Р М А Н И Я.** «Фолксваген» автомобиль ишлаб чиқариш концерни ўз тасарруфида бўлган заводда ишлаб чиқариладиган «Ауди» русумли автомобилнинг янги авлодини яратишни кўзда тутган лойиҳага 300 миллиондан кўпроқ немис маркаси миқдорида маблағ сарфлашга қарор қилди. Чунки, «Ауди»га бўлган эҳтиёж Европада йилдан-йилга ошиб бораётир.

Режага кўра, 1999 йилдан бошлаб «Ауди»нинг янги авлоди завод конвейеридан чиқа бошлайди. Дастлаб йилига 50 мингта автомобиль ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

* * *

**И С П А Н И Я.** Маълумотларга қараганда, айни пайтда Испанияда енгил автомобилларининг сони 16 миллиондан ошиб кетган. Бу эса нафақат Европада, балки бутун дунё мамлакатлари ичида ҳам салмоқли кўрсаткичдир.

Испания чет мамлакатларга автомобиль экспорт қилиш бўйича ҳам Европа давлатлари орасида етакчилардан бири саналади. Айниқса, кейинги пайтларда ушбу мамлакатда ишлаб чиқарилган автомобильлар Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва Европа давлатларига мунтазам етказиб берилмоқда. 1991 йилда бир миллиондан ортиқ автомобиль экспорт қилинган бўлса, 1996 йилга келиб бу рақам икки бараварга ошган. Бошқача айтганда, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг 75 фоизи хорижга экспорт қилинган.

* * *

**НЬЮ-ЙОРК.** АҚШнинг «Женерал моторс» компанияси Европа учун махсус лойиҳа ишлаб чиқди. Яъни, бу компания йилига 460 мингта автомобиль двигатели ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳасини амалга оширмоқчи. Унинг умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

«Женерал моторс» бу лойиҳани ҳаётга тадбиқ этиш учун Чехия, Венгрия, Польша ва Швеция каби давлатлар орасидан бирини ўзига стратегик ҳамкор қилиб танлаши керак. Мутахассисларнинг фикрича, бу лойиҳа Европанинг қайси давлатида амалга ошса, ўша мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни анча мустаҳкамланади.

**ЎзА**

